

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 19 октябрь-24 октябрь)**

№7

Тошкент – 2015

ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Шиндзо Абэ 2015 йил 24-26 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади. Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид кенг кўламли масалаларни, минтақавий ва халқаро сиёсатга доир долзарб муаммоларни муҳокама қилиш режалаштирилган. Ташриф якунлари бўйича томонларнинг Қўшма баёноти қабул қилиниши, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро, идоралараро ва бошқа кўплаб ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Жорий йил 24 октябрь кунини Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланади. Япония Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот доирасида ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги самарали сиёсий мулоқот ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли тараққиёти учун замин яратади. Президент Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга қилган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларга катта туртки бергани ҳолда, янги амалий мазмун билан бойитди. Ташриф якунида савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларни қамраб олувчи қатор ҳужжатлар имзоланди. Айтиш жоизки, бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 140 дан зиёд ҳужжатлар ташкил қилади. Халқаро ташкилотлар ва институтлар доирасида ҳам конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолигига Япония номзодини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўз навбатида, расмий Токио Тошкентнинг халқаро ташаббусларини маъқуллаяпти. Шунингдек, томонлар “Марказий Осиё + Япония” мулоқот механизми доирасида кўп томонлама алоқаларни фаол ривожлантирмоқда. Мазкур мулоқот доирасида ҳозирги кунгача аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг беш маротаба йиғилиши ўтказилди. Икки давлат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётир. Япония парламентида Ўзбекистон билан дўстлик лигаси ва “Япония демократик партияси — Ўзбекистон” дўстлик лигаси ташкил этилган. Ўз навбатида, Ўзбекистон парламенти таркибида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония парламенти” парламентлараро гуруҳи фаолият юритиб келмоқда. 2002 йилдан буён икки давлат ташқи сиёсий идоралари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирнинг

15-раунди жорий йил февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтди. Япония юртимизнинг муҳим савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 2014 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 190 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бирок мазкур кўрсаткич икки давлат ўртасидаги мавжуд салоҳиятни тўла акс эттирмайди. Бугун Япония Ўзбекистон иқтисодиётига энг йирик сармоя киритадиган мамлакатлардан бири саналади. Нефть-газ саноати, транспорт сектори, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги устувор лойиҳалар ижроси учун ажратилган жами молиявий маблағлар миқдори 3,4 миллиард АҚШ долларидан ошади. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) ўзларининг минтақавий ваколатхоналари орқали ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда беғараз ва техник ёрдам дастурларини амалга оширишга кўмаклашмоқда. 2009 йил 24 сентябрда кучга кирган “Сармояларни либераллаштириш, ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги ҳукуматлараро битим Япония компанияларининг Ўзбекистонга қизиқишини янада кучайтириш баробарида, ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мустаҳкам алоқалар ўрнатишга хизмат қилаётир. Мазкур жараёнда 1994 йилда тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тузилмаларнинг жорий йил январь ойида Токио шаҳрида ўтказилган XII қўшма йиғилиши якунига кўра, умумий қиймати 3,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган сармоявий, кредит битимлари ва техник кўмак лойиҳаларини қамраб олган ҳужжатлар тўплами имзоланди. Ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар дастури йилдан-йилга кенгаймоқда. Мамлакатимизда доимий равишда япон фильмлари намойиши, бадиий кўرғазмалар, концерт ва спектакллар, япониялик санъат арбобларининг маҳорат дарслари ўтказиб келинаёпти. Ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида Замонавий япон фильмлари кунлари, ўзбек санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотган япон миллий кўғирчоқлари ҳамда ўйма нақшлари кўрғазмаси ўтказилди. 2001 йилда минг туп сакура кўчати ўтказилган Япон боғи, 2002 йилда машхур рассом Икуо Хираяма кўмагида ташкил қилинган Халқаро маданият карвонсаройи, Ўзбекистон — Япония илмий-ижодий маркази Тошкентдаги энг оммавий жойлардан бирига айланган. Шунингдек, Япониянинг йирик шаҳар ва вилоятларида доимий равишда Ўзбекистон маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳияти тақдимотлари ташкил этилмоқда. Токио ва Нагоя шаҳарларида бўлиб ўтган “Японияда Ўзбекистон кунлари” маданий тадбири бу борадаги навбатдаги ёрқин воқеалардан бири бўлди. 1999 йилда таъсис этилган “Ўзбекистон — Япония” дўстлик жамияти эса маданиятлараро мулоқотларнинг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилаётир. Икки давлат ўртасидаги яқин алоқалар тараққиётига катта ҳисса қўшаётган “Япония — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси ва “Фукушима — Ўзбекистон” маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси мазкур ташкилотнинг асосий ҳамкорларидан бирidir. Фан ва таълим соҳасида ҳам изчил алмашинув амалга оширилаяпти. Хусусан, республикаимизда қўшма археологик тадқиқотларнинг олиб борилиши илмий ҳамда академик доиралар вакиллари ўртасидаги ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида қадимий буддавийлик даври

Ёдгорликларининг топилишида “Дўстлик” ордени соҳиби, машхур археолог К. Катонинг хиссасини эътироф этиш лозим. Иқтисодиёт, менежмент, юриспруденция, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, бизнес, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, банк-молия сектори, транспорт ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган икки мингдан зиёд ўзбек мутахассислари Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги лойиҳалари доирасида Кунчиқар юртда малака ошириб қайтдилар. Япония ҳукумати гранти доирасида ҳар йили ўзбекистонлик 15 нафар талаба мазкур мамлакатнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олади. 1999 — 2014 йиллар давомида 293 киши ушбу дастур бўйича олий маълумотга эга бўлди. Бизнес-тренинглари, япон тили курслари ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиб келаётган Ўзбек-япон маркази кадрлар тайёрлаш жараёнига муҳим ҳисса қўшмоқда. Мазкур мамлакатда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларининг севиб ўқилиши Япония томонидан халқимиз тарихи ҳамда маданиятига бўлган ҳурмат ва эътиборнинг яна бир ифодасидир. 2004 йилда Токио шаҳрида улуғ бобокалонимиз ҳайкали ўрнатилди. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, маданият ҳамда таълим соҳасини ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан дўстона алоқаларни ўрнатишда қўшган улкан хиссасининг эътирофи сифатида 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япониянинг Васеда ва Сока университетлари Фахрий докторлик унвони билан тақдирланди. Умуман, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг мамлакатимизга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларда муҳим воқеа бўлиши билан бирга, икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг мавжуд салоҳиятига янги суръат бағишлаши, шубҳасиз.

«МАЗКУР ТАШРИФИМ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ТАРИХИЙ ВА ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»

Япония Бош вазири Шиндзо Абэ ўзининг Ўзбекистонга расмий ташрифи арафасида “Жаҳон” ахборот агентлиги саволларига жавоб берди.

— **Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг кенгайиши ва чуқурлашиши йўлида Ўзбекистонга бўладиган ташрифингизнинг ўрни ҳамда аҳамиятини қандай баҳолайсиз?** — Орадан 9 йил ўтиб, Япония Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи уюштирилаётганидан бағоят мамнунман. Ҳозирги ташрифим доирасида Президент Ислам -Каримов билан илк учрашув чоғида сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларга оид кенг қамровли масалаларни атрофлича муҳокама қилиш ниятидаман. Кўплаб японияликлар қадимдан Буюк Ипак йўлининг муҳим стратегик бўғини ҳисобланган Ўзбекистон тарихи ҳамда маданиятини ўрганишга кучли иштиёқ ва катта қизиқиш билдиришади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларнинг бетакрор гўзаллигига мафтун бўлганлар ҳам кам эмас. Тошкент шаҳрининг

марказида курилишида япон фуқаролари иштирок этган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри жойлашган. Менга маълумки, Президент Ислон Каримов ва бутун ўзбек халқи мазкур театрга катта ҳурмат билан қарайди. Японияда турли жабҳаларда мамлакатингизга қизиқадиган ихлосмандлар сони жуда кўп. Мазкур ташрифим икки давлат ўртасида тарихий ва дўстона алоқаларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилишига умид билдираман. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутувчи йирик давлат ҳисобланади. Шу боис юртингиз билан нафақат икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, балки Марказий Осиё минтақаси учун умумий бўлган транспорт, логистика, сув таъминоти, электр энергияси, гиёҳвандлик моддалари савдосига қарши кураш ва давлат чегараларини назорат қилиш сингари жабҳаларда ҳам ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз. Мазкур соҳалар “Марказий Осиё + Япония” -мулоқот механизми доирасида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича муҳим муҳокама мавзулари ҳисобланади. — **Давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳозирги даражаси ҳамда истиқболлари ҳақида ўз қарашларингизни ўртоқлашсангиз. Япония компанияларининг Ўзбекистонда сармоявий лойиҳалардаги иштироки хусусида ҳам фикр-мулоҳазаларингизни билишни истар эдик.** — Сўнги йилларда икки давлат ўртасида сиёсий жабҳада олий даражадаги ўзаро ташрифларни қамраб олувчи фаол сиёсий мулоқот кузатилмоқда. Умид қиламанки, мазкур ташрифим самараси сифатида икки мамлакат ўртасида бу борада ҳамкорлик янада мустаҳкамланади. Савдо-иқтисодий соҳада, икки томонлама алоқалар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, кейинги йилларда япон компаниялари турли шаклларда Ўзбекистон саноатини диверсификациялашга ҳисса қўшувчи лойиҳаларда иштирок этиб келаётир. Хусусан, автобус ва юк машиналари ҳамда кимёвий ўғитларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган заводлар, ахборот технологиялари ҳамда бошқаларни бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Бироқ Ўзбекистоннинг етарли салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд, деб ўйлайман. Мазкур ташрифим доирасида мен билан биргаликда кўп сонли иқтисодий делегация Тошкентга келаяпти. Умид қиламанки, ушбу делегация Япония компаниялари Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритишига ҳамда япон технологиялари ва тажрибасининг юртингиз тараққиётида ўз муносиб татбиғини топишига замин яратади. Бундан ташқари, ҳозирги кунда энергетика ва қишлоқ хўжалиги тизимларини модернизациялаш соҳаларида амалга оширилаётган иенли кредит лойиҳалари ёрдамида япон технологияларини қўллаш орқали юқори сифатли инфратузилмалар барпо этилмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш билан бирга, Япония компаниялари томонидан янада кўпроқ сармояларнинг киритилишига хизмат қилиши ҳам кўзда тутилган. Тошкентдаги Ўзбек-япон марказида хусусий тадбиркорларни тайёрлаш дастури амалга оширилаётир. Шунингдек, давлат идораларининг ёш ходимлари учун Японияда малака оширишни кўзда тутувчи ўқув дастурлари йўлга қўйилган. Япония ҳукуматининг “Тараққиётга расмий ёрдам” дастури доирасида берилаётган кўмаги Ўзбекистонда юқори баҳоланаётганидан мамнунман. Маданий-гуманитар

соҳага тўхталадиган бўлсак, икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро англашув ва дўстлик ришталари Ўзбекистонда япон тилини ўрганиш, теледастурлар билан алмашинув ҳамда анъанавий жанг санъати турлари ва спортни ривожлантириш сингари соҳаларда кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали мустақамланишига умид қиламан.

ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Франция Республикаси Парламенти Миллий ассамблеясининг “Франция — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Филипп Менье бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Музокара давомида меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти, унинг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумотлар берилди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бу эса икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Икки мамлакат парламентларида ташкил этилган ўзаро дўстлик гуруҳлари мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлашга хизмат қилаётганлиги алоҳида айтиб ўтилди. Делегация аъзолари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва демократик ислохотларни ижобий баҳолади. Шунингдек, улар мамлакатда олиб борилаётган сиёсатни, чунончи, барча миллат вакиллариининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, сайлов қонунчилигидаги ислохотлар ва жараёнлар меҳмонлар томонидан юксак эътироф этилди. Таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги тажрибаси Франция томони учун долзарб аҳамиятга эга. Ўз навбатида, меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан алоқалар самарали давом этиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали эканлигини алоҳида таъкидладилар. Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан шу йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини таҳлил қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш, саноат тармоқларини техник янгилаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шу асосда мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини, турмуши сифати ва даражасини ошириш масалалари ҳам мажлис катнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди. Бугунги кунда бутун жаҳонда ривожланишнинг “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган машҳур беш тамойилга асосланган чуқур ва пухта ўйланган стратегияни изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш туфайли жаҳонда давом этаётган иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз бугунги кунда иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар орасида жаҳонда бешинчи ўринни эгаллаб турганлиги ва бу халқаро ҳамжамият ва халқаро молия институтлари томонидан муносиб равишда юқори баҳоланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,0 фоизга ўсди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади. Айниқса, қишлоқ жойларда маҳаллий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ички талабни мувозанатли рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари — 10,1 фоизга, чакана товар айланмаси — 15,0 фоизга ва хизматлар кўрсатиш — 12,9 фоизга ўсишига кўмаклашди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари ўсиши 6,6 фоизга таъминланди. Жорий йилдаги ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мўл ҳосили етиштирилди ва йиғиб олинди. Қишлоқнинг қиёфасини тубдан яхшилаш чоралари фаол амалга оширилмоқда, янги қишлоқ массивлари қурилишида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 9,3 мингта яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. Хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар дастурини изчил амалга ошириш кичик бизнеснинг 21,4 мингта ёки 2014 йилнинг шу

давридагига қараганда 6,0 фоиз кўп янги субъектини ташкил этишга кўмаклашди. Кичик бизнес субъектларига давлат мулкнинг 17,8 мингта фойдаланилмаётган объектлари ижарага берилди, умумий суммаси 9,6 триллион сўм банк кредитлари ва микрокредитлар ажратилди. Натижада саноат ишлаб чиқаришида, инвестицияларда, экспортда ва аҳоли бандлигида кичик бизнеснинг улуши ва роли узлуксиз ўсиши таъминланмоқда. Аҳоли турмуши сифати ва даражасини янада ошириш йўли давом эттирилди. 748,7 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 451,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорлари 1,1 маротаба оширилди. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилмоқда, ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 2,0 триллион сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди. Мажлиснинг кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида 2015 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрларига ва уни диверсификациялашга сўзсиз эришишни таъминлаш, шунингдек, 2016 йилда иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам асос яратиш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Саноат тармоқларини ривожлантириш, диверсификациялаш ва модернизациялаш борасида кўрилатган дастурий чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқариши ҳажмларининг 7,3 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди. Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида жорий йил якунлари бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган барча мавжуд манбаларни ва ўсиш резервларини сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Бошқарув тизими самарадорлигини, энг аввало, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда мамлакатимиз Президентининг қарори билан ташкил этилган Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига муҳим ўрин юкланганлиги қайд этилди. “Буюртмалар портфели” ўз вақтида шакллантирилиши, 2016 йил ишлаб чиқаришининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари учун хом ашё ва материалларни, энг аввало, IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш давомида харид қилишга шартномалар тузиш, шунингдек, XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида тузилган шартномаларни амалга оширишда хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгиланди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори мамлакат Президенти томонидан жорий йил сентябрь ойида Фарғона ва Наманган вилоятларига ташриф давомида белгилаб берилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда 2016 — 2019 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди. Мажлисида 2015 йилнинг энг муҳим объектларини ишга туширишни таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича 2016 — 2019 йилларда назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошлашни жадаллаштириш, муҳандислик-

коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижалари чуқур ва батафсил таҳлил қилинди. Фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши ва иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий инфратузилмани барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 9,9 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 7,4 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди. 3 440 та янги объектлар фойдаланишга топширилди, юқори технологик ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 76 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Ўзбекистон Миллий автомагистрالي таркибига кирувчи автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича 1,0 триллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар ва орқада қолишлар учун бир қатор хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг фаолияти танқид қилинди. Улар олдида қоқликнинг ўрнини тўлдириш ва амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди, шунингдек, уларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари белгиланди.

ДУНЁ РЕЙТИНГИДА ЕТАКЧИ

Англиянинг Манчестер шаҳрида таэквондо WTF бўйича Гран-при турнирининг учинчи босқичи ташкил этилди. Мусобақанинг энг оғир вазн тоифасида доянга чиққан юртдошимиз, амалдаги жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин олтин медаль билан бирга, 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун бериладиган 40 рейтинг очкосига эга бўлди. Дмитрий якуний жангни кубалик Рафаэль Кастильога қарши ўтказди. Рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмаган спортчимиз дунёда тенгсиз эканлигини яна бир қарра исботлади. Ушбу муваффақият Дмитрий Шокинга энг оғир вазндаги таэквондо усталарининг жаҳон рейтингда биринчи ўринга кўтарилиб олишига замин яратди. Франция пойтахти Париж шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган “Катта дубулға” туркумига кирувчи халқаро мусобақада спортчиларимиз муваффақиятли қатнашди. Жумладан, 60 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Шарофиддин Лутфуллаев бронза медали билан тақдирланди. Турнирнинг сўнгги кунида -81 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан яна бир тажрибали дзюдочимиз Шахзод Собиров рақибларини мағлуб этиб, ғолибликка эришди. Ҳал қилувчи баҳсда у россиялик Сергей Рябовдан устун келди. Ўзбекистон дзюдо терма жамоаси битта олтин ва бронза медали билан умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллади.